

БОЖХОНА СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК: КЕЧА ВА БУГУН

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг дунё мамлакатлари томонидан тан олиниб, халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси¹ 17-моддасида белгиланганидек, “Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади”.

Бу борада божхона соҳасида 123 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланган, шундан 32 таси ҳукуматлараро ва 91 таси хорижий идоралараро шартномалардир².

Ўзбекистон 1992 йил 28 июлда Жаҳон божхона ташкилотининг фаол аъзосига айланди ва мунтазам равишда ташкилотнинг йиллик анжуманларида мамлакатимиз вакиллари самарали иштирок этиб келмоқдалар. Дунёнинг 179 давлатини ўзида бирлаштирган мазкур ташкилот дунё ҳўамжамияти томонидан “Халқаро божхона тажрибаси маркази” деб эътироф этилади. Божхона хизматини жаҳон стандартларига яқинлаштириш мақсадида мамлакатимиз халқаро божхона амалиётлари билан боғлиқ 15 дан ортиқ халқаро конвенцияларга аъзо бўлган³.

Мамлакатимиз Жаҳон божхона ташкилоти ишида фаол иштирок этяпти. Ўзбекистоннинг 1995 йилда Сиёсий комиссия аъзоси этиб, 2001 йилда эса Молия қўмитаси таркибига сайланиши ҳам мамлакатимиз халқаро божхона ҳўамжамияти томонидан муносиб эътироф этилганидан далолат беради. Ушбу кўп йиллик ҳамкорлик республикаимиз ҳуқуқий базасини халқаро конвенциялар ва божхона ишининг бошқа халқаро меъёрларига яқинлаштиришга имкон берди. Божхона соҳасидаги қўнунчилигимиз умумқабул қилинган халқаро стандартлар, меъёрлар ва амалиёт билан бирхиллаштириш ҳамда уйғунлаштириш йўналишида ривожланмоқда, бу эса

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 3-б.

² Тангриев Ҳ. Иқтисодий хавфсизлик ва халқаро ҳамкорлик чорраҳасида. “Солиқ ва божхона хабарлари” газетаси / 2017 йил / № 4

³ <http://www.customs.uz/uz/events/about/15>.

республика божхона сиёсати ютуқларини мамлакатда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнинг муҳим далили деб эътироф этишни таъминлайди.

Божхона таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисида халқаро конвенциянинг (Киото конвенцияси) 1999 йил июнда маъқулланган янги версияси ЖБТнинг энг ката ва муҳим ютуғига айланди. Кенгашнинг 2005 йилдаги сессияларида Хавфсизлик ва жаҳонда савдони енгиллаштиришнинг ҳадли стандартлари қабул қилиниши ҳам халқаро божхона ҳамжамияти учун муҳим воқеа бўлди.

Давлат божхона кўмитасининг халқаро божхона ҳамкорлиги фақатгина Жаҳон божхона ташкилоти билан кифояланмайди. Республикамиз божхона органлари бошқа йирик халқаро ташкилотларнинг ҳам божхона ишига доир дастур ва лойиҳаларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Жумладан, БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бошқармасининг гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланувига қарши курашиш бўйича тажриба алмашишга доир халқаро тадбирларида, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Божхона ҳамкорлиги бўйича махсус ишчи гуруҳи йиғилишларида, МДХ Божхона хизматлари раҳбарларининг кенгаши мажлислари, Осиё тараққиёт банкининг Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлиги дастури, Япониянинг ЈСА ва Кореянинг КОІКА халқаро ҳамкорлик бўйича ташкилотлари ўқув курсларида фаол иштирок этиб келинмоқда.

Истиқлол йилларида МДХга аъзо давлатларнинг божхона хизматлари ўртасида божхона ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари ва йўналишларини ўзида қамраб олган 100 дан ортиқ ҳукуматлараро ва идоралараро Битимлар имзоланди. Сўнгги 20 йил мобайнида эса мазкур Битимлар имзоланган давлатлар вакиллари билан 100 дан ортиқ икки томонлама ишчи учрашувлар ташкил этилди. Мазкур олий даражада ўтказилган учрашувларнинг самараси ўлароқ Тошкентда ўтказилган бир қатор тадбирларни мисол келтиришимиз мумкин:

- 1997 йилда Жаҳон божхона ташкилоти Бош котиби Жеймс Шавер иштирокида Марказий Осиё давлатлари божхона хизматлари раҳбарлари билан ўтказилган минтақавий учрашув;

- 2002 йилда Жаҳон божхона ташкилоти Бош котиби Мишел Дане иштирокида “Буюк ипак йўли давлатларида гиёҳванд моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши курашиш” мавзусида халқаро конференция (конференция якунида Тошкент Декларацияси имзоланган);

- 2004 йилда Япония ҳукумати кўмагида божхона процедурасини соддалаштириш ва уйғунлаштириш бўйича қайта ишлаб тўлдирилган

Халқаро конвенцияни таништириш мақсадида ташкил этилган минтақавий семинар (Киото конвенцияси) ;

- 2008 йилда Миллий кинология марказига Жаҳон божхона ташкилотининг минтақавий ўқув маркази мақомини бериш бўйича Давлат божхона қўмитаси ва Жаҳон божхона ташкилоти ўртасида Англашув меморандуми имзоланиши.

- 2010 йил 3 май куни Жаҳон Божхона ташкилоти Бош котиби Кунио Микуриянинг Тошкентда бўлиб ўтадиган Осиё тараққиёт банки (ОТБ) бошқарувчилар Кенгашининг 43-йиллик мажлиси доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига расмий ташрифи. Ташриф чоғида Жаноб Микурия Жаҳон божхона ташкилотининг яқин йилларга мўлжалланган стратегик мақсад ва вазифалари тўғрисида Давлат божхона қўмитаси шахсий таркиби олдида чиқиш қилиб, божхона хизмати - қонуний савдо айланмасини ташкил этиш, иқтисодий тараққиёт ва хавфсизликни таъминлашда муҳим роль ўйнашини алоҳида таъкидлаб ўтди⁴.

Олий даражадаги меҳмонларнинг мамлакатимизга ташрифи мазкур халқаро ташкилот билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганлигининг яққол далилидир.

Ўзбекистон божхона органлари томонидан халқаро ҳамкорлик йўналишида олиб борилаётган фаол ва муваффақиятли чора-тадбирлар жаҳон ҳамжамияти томонидан ижобий баҳолаб келинмоқда.

Божхона соҳасидаги халқаро шартномалар, битимлар, келишувлар, конвенцияларни таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг давлатлар ўртасидаги божхона муносабатларини мувофиқлаштириш, товарларни экспорт-импорт қилишда божхона божлари ва бошқа йиғимларни тўлашда имтиёз ва енгилликлар белгилаш, ўз навбатида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар, муомаладан чиқарилган товарларнинг божхона чегаралари олиб ўтилишининг олдини олиш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига қаратилганини таъкидлаш мумкин.

Худди шу мақсадда 2011 йил 18 октябрдаги Эркин савдо худуди тўғрисидаги Шартнома Ўзбекистон Республикасидан ташқари бошқа Марказий Осиё давлатлари ва Россия, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Молдова ва Украина давлатлари ўртасида имзоланган бўлиб, мазкур шартнома давлатлар ўртасида товарлар экспорти ва импортида божхона божлари ва бошқа йиғимларни йиғишда улардан озод этиш ёки енгиллик беришни кўзда тутди.

2013 йил 31 майда Минскда Эркин савдо худуди тўғрисидаги Шартномани унинг Томонлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида

⁴ <http://www.customs.uz>

қўллаш ҳақидаги Баённома имзоланган бўлиб, мазкур Баённома Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрьдаги ЎРҚ-362-сон Қонуни⁵ билан ратификация қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Эркин савдо ҳудуди тўғрисидаги Шартноманинг тегишли моддаларига қўшилган.

Мазкур Баённомага 1-иловининг 1-бандида Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Украина Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан келиб чиққан товарларнинг импортига нисбатан божхона божларини қўлламаслиги, ўз навбатида Ўзбекистон Республикасининг санаб ўтилган давлатлар божхона ҳудудидан келиб чиққан товарларнинг импортига нисбатан божхона божларини қўлламаслиги белгиланган.

2017 йил 11 июль куни Ўзбекистон-Қозоғистон Давлат чегарасида жойлашган “Оқ олтин – Целинный” ва “Малик – Сирдарё” автомобиль ўтказиш пунктларининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маълумки, жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегарасидан ўтказиш пунктлари тўғрисидаги 2006 йил 4 сентябрда имзоланган Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича Баённома имзоланганган эди.

Қисқа фурсат ичида ушбу Баённомани амалиётга киритилиши юзасидан ички давлат келишувлари амалга оширилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 2 майда ПҚ-2945-сон қарори⁶ қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон-Қозоғистон Давлат чегарасида “Оқ олтин” ва “Малик” автомабиль ўтказиш пунктларини очиш тўғрисида” 2017 йил 26 апрелдаги ПҚ-2931-сон қарорига асосан мазкур ўтказиш пунктлари орқали фақат енгил автотранспорт воситалари ҳаракатланади ва бу пунктлар орқали юк ва товарларни тижорат мақсадида олиб ўтилишини амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Ўз навбатида божхона органлари томонидан “Оқ олтин” ва “Малик” чегара ўтказиш пунктларининг самарали ва қонуний фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида, барча зарур чоралар кўрилди.

Хусусан, божхона нзаоратини таъминлаш ҳамда ходимларнинг хизмат олиб боришлари ва дам олишлари учун тегишли шарт-шароитлар яратилиб, божхона постлари божхона назоратининг энг сўнгги техник воситалари билан жиҳозланди.

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 687-модда.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2017 й.

Автомобиль ўтказиш пунктларида божхона назорати соддалаштирилган тартибда, йўловчи божхона декларацияси тўлдирилмасдан, рўйхатга қўймасдан ва транспорт воситаларини божхона кўригидан ўтказмасдан, фақатгина ҳаракатланаётган транспорт воситаларини мажбурий равишда визуал кўздан кечириш орқали амалга оширилади.

Ушбу йўлнинг очилиши ўзаро биродар ўзбек ва қозоқ халқларини янада бир-бирига боғловчи, мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилувчи ришта бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 3-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2017 й.
3. Божхона ҳамкорлик кенгашини ташкил қилиш тўғрисида конвенция 1950 йил 15 декабрь, Брюссель (Ўзбекистон Республикаси учун 1992 йил 28 июлдан кучга кирди).
4. Тангриев Ҳ. Иқтисодий хавфсизлик ва халқаро ҳамкорлик чорраҳасида. “Солиқ ва божхона хабарлари” газетаси / 2017 йил / № 4
5. <http://www.customs.uz/uz/events/about/15>.